

Майитнинг ҳақлари | Фикҳ дарслари (265-дарс)



19:00 / 18 январь 1881

Майитнинг ўз яқинлари, қариндошлари ва ёру биродарларида тўртта ҳаққи бордир:

1. Ювиш.
2. Кафанлаш.
3. Жаноза намози ўқиш.
4. Жанозасини кўтариб бориб, дафн қилиш.

Бу ҳақларнинг барчаси фарзи кифоядир.

Майитни ювиш фарзи кифоядир. Ўлим аён бўлганидан кейин уни ювишни тезлатиш суннатдир.

Майит ювмасдан кўмилган бўлса, чиқариб олиб, ювилади. Албатта, янги кўмилган вақтида.

Майит танасининг кўп қисми ҳозир бўлса, ювиб, жаноза ўқилади, бўлмаса, йўқ.

Майитни ювгани сув топилмаса ёки узрли сабабга кўра ювишнинг иложи бўлмаса, таяммум қилдирилади.

Баъзи ҳолларда вазиятга қараб, ният қилиб устидан сув қуйилса ҳам бўлади.

Эркакни эркак, аёлни аёл ювади. Бир мусулмонни ювиш учун кофир эркак ва бегона муслима ҳозир бўлса, эркак ювади.

Ҳанафийлар: «Ўлган аёл кишини эри ювса ёки ушласа бўлмайди, чунки уларнинг орасидаги никоҳ кесилган бўлади», дейишади. Кучли қавлга қараганда, аёл эрининг ўлигига назар солса бўлар экан. Лекин эр ўлган аёлининг фақат юзига назар солиши мумкин, чунки назар солиш ушлаш ва ювишдан кўра енгилроқдир.

Эркак кишини ювишга ҳақлиларнинг тартиби қуйидагича: отаси, бобоси, ўғли, ўғлининг ўғли, ака-укаси, ака-укасининг ўғли, амакиси ва амакисининг ўғли. Майитни диний ҳукмларни яхши биладиганлар ювишлари афзал кўрилади.

Аёл кишини ювишга ҳақлилар ўзига маҳрамлик алоқаси бор аёллардир. Улар майитга нисбатан агар бирлари эркак деб тасаввур қилинса, ораларида никоҳ ҳаром бўлишига тўғри келадиган аёллардир.

Агар эркак киши аёлларнинг ичида, аёл киши эркакларнинг ичида ўлиб қолса, агар маҳрами бўлмаса, номаҳрам бўлса ҳам, таяммум қилдиради.

«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7013-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.